



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 22-iyun • №25 (4164)

ХАЁТ, ТАҒАККУР ВА ИЖОД

Журналистнинг бахти шундаки, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларнинг бирортаси уни четлаб ўтмайди. Дейлик, икки қирроқ, икки манзили туташтирадиган бирор кўприк қуриладиган бўлса, бу хушxabарни биринчи бўлиб халққа етказиш, унинг аҳамиятини кўрсатиб бериш бизнинг зимма-мизга тушади. Айни пайтда одамларнинг мана шу жараёнларга муносабатини ҳам биринчи бўлиб биз қаламга оламиз. Ҳаётдаги ўзгариш ва янгиликлар шу қадар кўпки, баъзан воқеалар олдида юриш ўрнига ортда қолиб кетаётганини ҳис этиб безовта бўласан, киши. Ҳаёт эса шитоб билан илгариллаб бормоқда. Шу кунларда истиқлолнинг 21 йиллигини кутиб олишга таралдув кўрмоқдамиз. Бу ҳақда Президент қарори қабул қилинди, ҳукумат мажлиси бўлиб ўтди. Энг муҳими, байрам тадбирларини одамларнинг қалби ва онига етиб борадиган, руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги ютуқларга илҳомлаштирадиган жонан тарзда ўтказишга сафарбар этилганимиз бежиз эмас. Ўтган даврда одамларнинг онг ва шуури, руҳияти, фикрлаш тарзида жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Шулар тўғрисида ўйлаганда бир неча йиллар муқаддам раҳматли дадам билан бўлиб ўтган қисқалина бир суҳбат ёдимга тушади. Падари буз-руворим собик ўқитувчи эмасми, икки-учта газетани варақлаб ўтирган экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ишларим билан қизиқди. Кейин газеталарга ишора қилиб танбех берди:

— Ўғлим, нуқул бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ахборот берасизлар. Одамлар ҳақида, уларнинг ҳаёти, қилаётган

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ишлари, орзу хаваслари ҳақида ҳам ёзсанлар бўлмайми?

— Отажон, сиз айтгандай гапларни ҳам ёзаямиз, нега ёзмас эканмиз? Яқинда фермер хўжаликларини йириклашти-

риш, Самарқанд шаҳрини бошдан-охир кесиб ўтган иккита катта кўчанинг қайта қурилиши, янги тўқимачилик комбинатлари очилаётгани ҳақида ҳам ёздик.

— Ўқидим, болам, ўқидим. Аммо, боя айтганимдай, хисобот, ахборот билан иш битмайди-да. Одамларнинг юрагидаги, уйдаги гапларни ёзиш керак, дейман-да. Янги корхона деясан. Ахир, бу ўз-ўзидан бўлиб қоладиган иш эмас Хўш, қани, корхонани ниманинг ҳисобидан қурасан. Сармоянг борми ёки банкдан қарз оласанми? Олдинг ҳам дейлик, Хўш, нима ишлаб чиқармоқчи-сан? Фишт пиширасанми, мева ёпасанми? Буларни ким қилади, одаминг борми? Чиқарган нарсанг одамларга керакми ўзи? Қаерда сотасан, қанчага сотасан. Сарф-харажат, даромад-буромад деган нарсалар бор. Хомаки ҳисоб-китобинг, сизларнинг тилларинг билан айтганда, бизнес-режа дейими, ўша нарсаларинг борми? Бир корхона бир қишлоқни боқадди, болам. Ана шулар ҳақида ёзиш керак!

Давоми иккинчи саҳифада.



Суратда: Тошкентлик ёш наққошлар Мирқўб ва Мирсаид ҒАНИЕВ.

Ёзувчилар уюшмасида

Янгиликка интилиш завқи инсонни изланишга чорлайди. Изланишдан толмаган киши янгидан янги марраларни албатта забот этади. Таниқли шоир Турсун Али ана шундай довлонлардан ошиб келаётган ижодкорлардан. У ҳар бир шеърда янги сўз, янги фикр айтишга, янги ташбеҳлар топишга интилади, мудом

Орипов, Умарали Норматов, Муҳаммад Али, Маҳмуд Тоир, Иброҳим Ғафуров, Азим Суюн, Қозоқбой Йўлдошев, Ҳасанбой Абдураҳмонов, Исмоил Маҳмуд, Улуғбек Ҳамдам каби шоирлар, ёзувчи ва адабиётшунослар Турсун Али ижодининг ўзига хос қирралари, ушбу китобдан ўрин олган шеърларининг мазмунини ҳақида фикр-

ШЕЪРГА АЙЛАНГАН ТҮЙҒУЛАР

изланишдан тўхтамайди. Шу боисдан унинг "Зангори овоза", "Юракдаги ёзувлар", "Туйғулар ранги", "Соқин ҳайқириқ", "Ой яроғи", "Гуллаётган юрак", "Қор шуъласи" каби қатор китоблари юзага келди. Шеърят муҳлисари унинг янги ташбеҳларга йўрилган шеърларини севиб муталаа қилишмоқда.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятда шоирнинг "Сайланма" китоби нашрдан чиқди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида мазкур китобнинг тақдироти доирасида шоир Турсун Али билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Абдулла

мулоҳазаларини билдирдилар. "Ёзишдан аввал руҳимда ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ пайдо бўлади ёхуд руҳиятими маъносилик камраб олади. Шундагина нималардир қозоғга тушади. Баъзи шеърларим қозоғга тўсатдан тушса, айримлари ойлаб, йиллаб юрагимда ётиб, оғир тошдай қозоғга энади", дейди Турсун Али ўз ижоди ҳақида фикр юритиб.

Тадбирда иштирок этган адиблар ва ёш ижодкорлар шоирнинг мазкур китобидаги шеърларни кенг таҳлил қилдилар. Учрашув сўнгида шоир янги шеърларидан ўқиди.

Уйғун РҲЗИЕВ

27 июнь ~ Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин

МУХБИР

Катта газетада кичик мухбирман, Ҳаётдан излайман мавзу, мақола. Шодликда муқблман, ғамда мудбирман, Ёзганларим эса халққа ҳавола.

Кўнгил соғингани каби баҳорни, Ғавҳар ярашгандек узук кўзига Фикр янги бўлса, ташбеҳ оҳорли, Қулоқ солади эл мухбир сўзига.

Ўқувчилар фикри асосий мезон, Баҳолар нимага қодирлигинини. Дунёга сўз айтиш эмасдир осон, Ижодда исботла ботирлигинини.

Саҳифалар юзидир, сарлавҳалар қош, Ойдек газетанинг бўлай адоси. Тишга ботганидек ошдан чиққан тош Сўзда ўтиб кетса имло хатоси.

Текшириб ҳар битта саҳифасини, Боқиб хабарларга, бош мақолага... Бежирим газета лойиҳасини Ниҳоят элтаман босмаҳонага.

Гўё ошиқ йигит тун-оқшом уйғоқ Соғиниб кутгандек севган қизини. Навбатчилик қилиб оттираман тонг Тезроқ кўрай дея иссиқ юзини.

Янги газетадан аниқлиди бўёқ, "Нашрга ижозат!" чекаман имзо. Қўчага чиқаман, жим-жит ҳаммаёқ, Тонг отар, ҳадемай қатнайди метро.

Газета тандирдан узилган нондек, Ахборот асрида тотли нонушта. Маънавий озуқа томирда қондек, Юрак тоза бўлар, кўнгил саришта.

Уйга қайтганимда юракни гашлаб: "Тунда келмадингиз..." — дейди аёлим. Совуган овқатни ейман ёнбошлаб, Газетага кетар яна ҳаёлим.

Ҳаётим боғланган таҳририятга, Мени қалам билан сийлаган тақдир. Ҳақиқат, адолат, эзгу ниятга Масыул мухбирдирман, жавобгар мухбир.

Рустам МУСУРМОН

Театр режиссурасига ёшларнинг кириб келиши бу шунчаки авлодлар алмашуви билан боғлиқ жараён эмас. Жамоода ёш режиссёрнинг пайдо бўлиши, аввало, янги ижодкорнинг дунёга келиши билан белгиланади. Ўзбек театри тарихига назар ташлар эканмиз, ҳар бир даврда ана шундай режиссёрлар авлодининг камол топганига гувоҳ бўламиз. Тўғри, бу жараён ҳамisha бир маромада кечмаган бўлса-да, театр ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

ЁШ РЕЖИССЁРЛАР МИЊБАРИ

Сўнги йилларда аёнамага айланган ёш режиссёрларнинг "Дебют" республика кўрик-фестивали санъат оламига илк қадамни кўяётган ижодкорлар

"ДЕБЮТ-2012"

учун мињбар вазифасини ўтамоқда. Бу йил тўртинчи маротаба ташкил этилаётган, 25 июн кунини ўз ишени бошлайдиган бу тадбир мутахассислар қатори муҳлисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу бежиз эмас, чунки навабдаги фестивал "Мустаҳкам оила" йилига уйғун тарзда ўттиши режалаштирилган.

"Ўзбектеатр" тақвимида ўрин олган халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар орасида "Дебют" фестивали

энг "кенжа"ларидан бири. Ва бу тадбир том маънода ёшларнинг фестивали. Бу кўрикда, аввало ёш режиссёрларнинг изланишлар кўлами муҳим аҳамиятга эга.

"Дебют" фестивали илк бор 2005 йили ташкил этилган. Ўтган йиллар мобайнида фестивалнинг кўлами янада кенгайиб, иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари ҳам ортиб борди. Айниқса, вилоят театрларида бу борада олиб борилаётган изланишлар эътирофга лойиқ. Театр раҳбарлари истеъдодли ёшларни фестивалга жалб этиш билан бирга, уларни жамоада олиб қолишга ҳаракат қилишмоқда.

Давоми бешинчи саҳифада.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ёзги оромгоҳларда ҳодик чиқараётган болаларнинг вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Учтена тумани 116-мактаб қошидаги «Бўстон» оромгоҳида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда болалар иштирокида томоша дастурлари, қизиқарли ўйинлар ташкил этилди. Айниқса, хонанда-

ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ

лар Мустафо, Хуршид Эшонхўжаев, Дилшод Имомалиев ижросидаги куй-кўшиқлар кўпчиликлари манзур бўлди.

— Бу ерда болаларнинг қизиқиши, қобилиятига қараб «Ниҳол», «Камалак», «Бойчечак», «Парвоз», «Бинафша» каби гуруҳлар тузилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Ёқутхон Шукурова. — Бу ҳар бир боланинг чизмачилик, рассомлик, мусиқа, актёрликка бўлган иқтидорини юзага чиқаришда ёрдам беради.

Оромгоҳда қизлар учун бичиш-тикиш, пазандалик, тўқувчилик каби тўғарақлар очилган. Ўғил болалар эса футбол, волейбол, сузиш, шахмат-шашка тўғарақларига қатнашади.

Концерт сўнгида болаларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зухриддин ҚИЛИЧЕВ



Муҳаммад Ҳалим ЁРҚИН (Афғонистон)

НИЗОМИЙ ҒАНЖАВИЙНИНГ ТУРКИЙ ДЕВОНИ

Буюк шоир ҳақим Низомий Ғанжавий ҳижрий-қамарий VI асрда яшаб ўтган. У замони ҳижрий 530 йили Озарбойжоннинг Ганжа шаҳрида туғилиб, воёга етди ва бутун умри бўйи ўша ерда яшаб, ижод этиб, дунёдан ўтди. Низомий шеърятда ҳамсачиликни бошлаб берган буюк сўз устози саналади.

Низомий Ғанжавий туркдир. Чунки, у ўз замонида она тили бўлмиш туркийга эътибор берилмаганлигидан шундай шикоят қилган эди:

Туркийамро дарин ҳабаш нахаран, Лоҳарам дугбойи хуш нахуран.

(Мазмуни: Туркийда битган матойим(шеърим)ни бу қадрига етмайдиганлар сотиб олмаслар, зотан, улар мазали дугбой (таом) емаслар.)

Бу байтдан Низомийнинг она тили

туркий эканлиги билиниб турибди. Форс адабиёти манбаларида Низомийнинг асосан форсча шеърлари ҳақида сўз юритилиб, унинг туркий шеърлари борлиги ҳақида ҳеч қандай сўз айтилмаган! Биз ушбу мақолада Низомий Ғанжавийнинг туркий девони ва шеърлари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Миср мамлақати Қоҳира шаҳрининг "Дарб ул-мажомир" саройидаги "Ҳадивия" номли машҳур китобхонада жуда ноёб қадимий қўлёзмалар сақланади. Китобхона масъули Али афанди Ҳилмий Доғистоний китобхонанинг форсий ва туркий қўлёзма асарлари каталогини тузиб, уни ҳижрий 1306 йили Миср ал-Қоҳира Усмония босмаҳонасида чоп этган эди.

Давоми учинчи саҳифада.

Обуна газетхон!

Севилма газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йилнинг

иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари,

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг

почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот

тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари

орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида

обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи

давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Бошланчи биринчи саҳифада.

Раҳматли отамнинг бу ўғити куни кечадек ҳозир ҳам қўлақларим остида жаранглаб турибди. Юртбошимизнинг Сурхондарё меҳнат аҳли билан бўлган учрашувлари билдирган мулоҳазалари менга яна бир бор ижодкор зиммасидаги масъулиятни эслатди. Шу боис, касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида бугунги ҳаётимиз манзаралари хусусида муҳтарийлар билан ўртоқлашим келди.

— Ижод аҳли, айниқса, журналистлар мамлакатимизда рўй бераётган ислохотлар жараёнини яхши ёритиб келишяпти, — дейди профессор Мамаюнус Пардаев. — Лекин адабиётнинг асосий вазифаси — инсон руҳиятидаги ўзгаришлар-

тепгилан» эса ўз маҳсулотларини бир пайтлар бу борада дунё бозорини эгаллаган Туркия, Бельгия каби давлатларга сотаётганига нима дейсиз?! Муҳими шундаки, қорхонадаги мураккаб ва нозик технологик жараёни маҳаллий мутахассислар бошқармоқда.

Қўшма қорхона раҳбари, вилоят Кенгаши депутати Камол Абдуллаев ўз жамоасининг меҳнати ҳақида гурур билан гапирди. Жумладан, бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган поликлиника ва профилактикорий ишга туширилди. Германиялик мутахассислар ёрдамида от спортини мажмуаси барпо қилинди. Гилам-дузалар жамоаси халқаро турнирда совриндор бўлишга ҳам улғуришти. Хорижлик сайёҳлар экотуризм лойиҳаси асосида бу ерда томоша кўраётгани мактовга лойик. Демокчиманки, Ўзбекис-

пахта шу қадар «улуғланди»ки, бир туп гўзани қўлтирарча чоғида пайхон қилган механизаторнинг партиявий чора (молиявий жарима эмас!) олганини ўз кўзим билан кўрганман. Албатта, бу кайфиятга барҳам бе-

Адаб ва жамият

риш осон кечган эмас. Пахта якка-хоқимлигиндан воз кечиш учун озмунча ташкилдий чоралар кўрилмади: пахта етиштириш режаси камайтирилди, галла майдонлари кенгайтирилди, гўзанинг сифатли тола берувчи навлари жорий қилинди, боғдорчиликка, полиз маҳсулотларига эътибор қаратилди.

Мисол учун, кейинги йилларда Самарқанд вилоятида пахта етиштирилмайдиган майдонлар нисбатан камайди. 2009 йилда пахта тайёрлаш режаси 238 минг тонна эди, бу

ҲАЁТ, ТАҒАҚҚУР ВА ИЖОД

ни тасвирлашдан иборат эканини унутмаслик керак. Ҳаётнинг ўсиши баробарида одамларнинг нўқтани назари, тафакқури ҳам ўсиб бораёпти. Утган йилги бир йил ичида юртимизда янгича фикрлайдиган авлод шаклланди...

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқчиман. Қишлоқларда барпо этилаётган замонавий ўй-жойлар одамларнинг курилишига бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатаётди. Аста-секинлик билан бўлса-да, улар ҳам гишт, гувала ва пахсадан, лойиҳасиз ўй қуришдан воз кечишмоқда. Самарқанд вилоятида кейинги ўй ил давомида 20 га яқин янги лойиҳадаги қишлоқлар бунёд этилди.

— Янги қишлоқларда яшаётганларнинг турмуши ҳавас қилса арзигулик, — дейди шоир ва олим Исмаил Санаев. — Бу намунавий ҳовлиларда онда-сонда фойдаланиладиган, бошқа пайтлар бекордан-бекорга хувилаб ётадиган катта меҳмонхоналар йўқ. Аксинча, барча маиший қулайликлар, кутубхона, дарсхона бор. Алоқа бўлими, маиший хизмат уйи, дўконлар мавжуд. Одамлар пулни кераклик жойга ишлатишни, вақтини самарали ўтказишни ўрганишаёти...

Самарқандда ҳар келганида бир янгиликнинг устидан чиқаман...

тонда оддий мулкдор эмас, балки сармоясини замонавий технология асосида кўпайтиришни кўзлайдиган, даромадини эса нафақат ўз жамоаси, айни чоғда ўша худудда яшовчи аҳоли фаровонлигига йўналтира оладиган ватанпарвар мулкдорлар тоифаси шаклланди.

Яқинда «Микрокредитбанк» вилоят филиали раҳбари Олим Баҳриев ибратли бир ҳолатни гапириб берди. Иштихон педагогика коллежи битирувчиси Иқбол Ҳақимов наонаси Раҳима она Ҳақимова ёрдамида тикувчилик цехи очиб учун бизнес-лоийна тузиб, тегишли ташкилотларга тақдим этилди. Бизнес-режа мутахассислар томонидан маъқуланисилди. Натижада И.Ҳақимовга бизнинг банкимиз томонидан тикув машиналари ва хомашё харид қилиш учун 1,8 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Ёш мутахассис алақачон ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ташаббус ёшлар ўртасида тез ёйилди. Маиший хизмат, маҳаллий санот ва миллий хунармандлик коллежаларининг ўнлаб битирувчилари ана шундай янги лойиҳалар тақдим этишди! Шу далилнинг ўзи ҳам йилнинг ўз тақдирига масъулият

йил эса бу марра 223 минг тонна қилиб белгиланди. Гўза ўстириш ноқулай бўлган 7,2 минг гектар майдон галла, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш учун ажратиб берилди.

Деҳқончилик рентабелли соҳа бўлмоғи лозим. Давлатимиз раҳбари ана шундай ҳаётий масалани ўртага ташлади. Деҳқон етиштирилган ҳосилдан меҳнатига яраша даромад, фойда олсин. Меҳнат ҳам, унинг самараси ҳам нақд бўлсин. Азбаройи режа учун дуч келган ерга чигит экиш шарт эмас.

Бундай ёндашув деҳқонларни ҳисоб-китобни янада пухтароқ тузишга ундайди. Энди гўза ўстириладиган майдонларнинг ҳолати, ҳосилдорлик ва хомашё сифати чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлади. Олимлар, мутахассислар ўз сўзларини айтдилар. Чунки энди хоҳ пахта, хоҳ галла ёки бошқа бирор экин бўлсин, асосий гап уларнинг ҳосилдорлигини ошириш устида бормоқда.

Кўплаб ҳамкасбларим — ижодкорлар қатори бу мавзуну ёритишда фаолроқ, жонқурроқ бўлишимиз зарурлигини англаб етаяпман. Негаки, ўз меҳнати моҳиятини тушуниган, иқтисодий таҳлилдан оқилна ҳулоса чиқара оладиган фермер образини яратиб адабиётимизнинг, китобхонинг эҳтиёжи сифатида намоён бўлаётир. Бундай кайфият ва тушунича деҳқонлар онгига бадий ифода орқали янада чуқурроқ сингади.

Одамлар руҳиятидаги ўзгаришларга қайтадиган бўлсак, яшириб нима қиламиз, бундан уч-тўрт йил аввалги ижодий учрашувлар чоғида қишлоқ аҳлининг саволлари соддароқ бўларди: «Биринчи шеърингизни қачон ёзгансиз?», «Устозингиз ким?» ва ҳоказо.

Энди эса вазият бутунлай бошқача. Адабиёт ихлосмандлари энди салмоқли саволлар беришмоқда. Хусусан, улар адибнинг ижтимоий фаоллиги, енгил-елпи асарларга муносабати, ижодкор ва ношир масъулияти билан жиддий қизиқишаёпти. Демак, мамлакатдаги оқиллик, шун билан бирга ўзлигини англаш ва бунёдкорлик кайфияти ана шундай эҳтиёжни юзага чиқармоқда. Одамларнинг ҳаёт тарзига монанд ҳолда тафаккур тарзи ҳам ўзгармоқда, маънавияти юксалмоқда.

Давр шиддати тезлашганини ҳамма сеза бошлади. Йўқ, бу фақат технологик шитоб эмас. Ақл, он, бутун вужуд, шуру шитоби ҳам. Мафкуравий қурашда қурол-яроғ, зўравонлик иш бермай қолди. Бунда оқиллик, оқилна ва адолатли сиёсат устун келаётир.

Бизда онг ва шурунинг янгилашши учун муштарак асос бор. Аждодларимиз яратган бебаҳо маданий меросимиз неча асрлардан бўён жаҳон аҳлига беназир сабоқ бўлиб келаётир. Қолаверса, тараққиётнинг ўзбек модели бор-йўғи йилгирма йил ичида ўз салоҳияти ва самараси билан дунё аҳлининг эътиборига тушди. Тафаккур ва дунёқарашимиздаги бундай янгилашлар юртимизни янада ёрқин манзилларга елтажак!

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси

Она табиатнинг инсонга марҳамати чексиз. У яшашимиз зарур бўлган тоза сув, соф ҳаво, кўёш нури, озик-овқат ва бошқа эҳтиёжлар манбаи ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир киши бун тўла англаб етиши, чуқур ҳис қилиши ва табиат бойлигини кўз қорачиқдай асраб-авайлаши лозим.

Яқинда «ЭКОСАН» жамоат фонди ўтказган давра суҳбатида ҳам мамлакатимизда истиқлол йилларида экология, атроф-муҳит ва атмосфера мусофоллигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганига эътибор қаратилди. Унда тегишли ташкилот вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирок этди. Фонднинг экология оид нашр эттирган адабиётлари ва плакат-

Сўз, чиндан ҳам, бебаҳо хазина, миллатнинг маданий, маънавий бойлиги, унинг бадий, илмий тафакқури қудратини, кўламини бор бўйича намоён этадиган беқиёс ҳодиса.

Сўзларнинг ҳам халқлар ва давлатлар сингари пайдо бўлиш, равнақ топиш, турланиш, фаоллашиш давлари бўлади. Уларнинг туб сабаблари ва натижаларини ўрганиш тилшунос, сўзшунос олимлардан заҳматли илмий меҳнатни талаб этади. Олдий сўзлашув жараёнида муқимиздаги беҳисоб сўзларни бемалол кўлайимиз-у, бироқ уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлаб ўтирмиз. Аслида она тилимиздаги ҳар бир калом замирида

«Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Андижон шеваларида қариндош-уруғ атамаларининг кўлланиши (қийёсий-этимологик тарзда)» номли китобда А.Маматов нафақат туркий тиллари, хусусан, ўзбек тили ва унинг Андижон шеваларидаги қариндош-уруғ номларини этимологик таҳлил этади, балки бу муаммага доир кўпгина бошқа, жумладан, мўғул, манжур, тунгус ва бошқа тиллардан мисоллар келтиради, бу соҳада яратилган илмий-тадқиқотлар ҳақида ўз фикрини баён этади. Албатта, қариндош-уруғ номлари умуминсоний қадриятларга тегишли бўлиб, кўпгина тилларда ўхшаш ва фарқли хусусиятларига эгадир. Китобда икадифи (икки сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлган) ака, ука, опа, тоға, амаки, жиян, почча, келин, қайин, қайинота, қайинона, тўнғич, кенжа каби ўнлаб сўзларнинг келиб чиқишига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Китобда кўрсатилишича, тўнғич сўзи қадимда биринчи, бош маъноларини ифодалаган тўн ва ота, ака, опа, қариндош каби маъноларни ифодаловчи ача, ичи сингари сўзлар йиғиндисидан ҳосил бўлган. Шунингдек, кенжа сўзи кейин(кен) ва ача(бола) сўзларининг қўшилиши натижасида кейинги бола маъносини ифодалаган. Овсин сўзи эса, опа ва сингил сўзларининг бирикшидан ҳосил бўлган. Ота ва она сўзларининг этимологияси шуна ҳанг ва чуқур изланишларни талаб этади. Шу туфайли олим бу масалада машҳур туркийшунос Э.Севортян тузган туркий тилларнинг этимологик луғати (1974, 1980), «Қадимги турк луғати» (1969) ва бошқа манбаларга мурожаат этади. Бу сўзлар туркий тилларда турлича ифодаданган. Қадимги турк, татар ва чуваш тилларида ати, татар ва қозок тилларида ани, уйғур тилида ҳар икки сўз атиани шаклида мавжудлиги айтилади. А.Маматов ёзади: «Ҳар ҳолда ота ва она сўзларининг нотуркий тилларда сақланган шакллари мазкур сўзларнинг ҳозирги кўлланиш ҳолати ўртасидаги оралик ҳолатини ақс эттиради, деб ўйлаймиз. Ва биз шулар асосида мазкур сўзларнинг нисбатан қадимги кўринишини тасаввур қилиш мумкин, деган фикрдамыз. Хусусан, ати, ан, ҳан (ҳ — товуши қадимги туркий тил ва ҳозирги айрим ўзбек шеваларида унли билан бошланган сўзлар бошида орттирилган ундош товушининг айнан ўзи) шакллари асосида ота, она сўзларининг нисбатан дастлабки шаклини ати, ан кўринишида тасаввур қилиш, яъни уларни қадимги ўзақ, деб ҳисоблаш имкони бор».


Китобда она ва ота авлодига тегишли сўзларнинг этимологияси ва маънолари ҳам изоҳланган. Улар ҳола, тоға (Маҳмуд Кошғарий луғатида тагай сўзига амаки деб изоҳ берган) ва бошқа сўзлардир. Шунингдек, тадикотда куёв, почча, неварра, чевавра, эвара, қариндош, эр, хотин атамалари маънолари ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. Бизнингча, чевавра сўзини чегавра сўзи билан боғлаб, уларни ўхшатиш (аналогия) ҳодисаси таъсирида тушутириш асосли эмас. Муаллиф ёзишича: «...чеварадан сўнги авлод билан учрашув камдан-кам қишларга насиб этади, гўё авлодлар учрашувида чегавра юз беради. Бу ўринда н-ч ҳодисасидан кўра, чегавра сўзининг чевавра шаклига ўтишида неварра сўзига ўхшатиш (аналогия) ҳодисасининг таъсирини кўриш мумкин. Бироқ набара сўзининг неварра шаклига ўтиши қатор фонетик ўзгаришлар, аввало, унлилар уйғунлашуви туфайли набара>неварра шакли юз берган ва унлилар ўртасида б-в алмашишуви туфайли набара>неварра шакли туғилган. Эндиликда шеваларо набара/наварра/неварра/небара шакллари мав-

БЕБАҲО МУЛК

бутун бир тарих ётган бўлади. Бу сир-синоатни очиш, улардан кўпчиликни хабардор қилиш нам ва ижод аҳлининг зиммасидаги вазифа.

Бундай заҳматли изланишлар билан умри бўйи шуғуланиб келаётган олимлардан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори Аминжон Маматов кейинги йилларда ўзининг кўп йиллик илмий қузатишларини жамлаб «Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Андижон шеваларида қариндош-уруғ атамаларининг кўлланиши (қийёсий-этимологик тарзда)» ва «Этимологик қузатишлар (Ўзбек тили материаллари асосида)» номли китобларини чоп эттирди.

«Ўзбек тили лексикологиясидан материаллар. Андижон шеваларида қариндош-уруғ атамаларининг кўлланиши (қийёсий-этимологик тарзда)» номли китобда А.Маматов нафақат туркий тиллари, хусусан, ўзбек тили ва унинг Андижон шеваларидаги қариндош-уруғ номларини этимологик таҳлил этади, балки бу муаммага доир кўпгина бошқа, жумладан, мўғул, манжур, тунгус ва бошқа тиллардан мисоллар келтиради, бу соҳада яратилган илмий-тадқиқотлар ҳақида ўз фикрини баён этади. Албатта, қариндош-уруғ номлари умуминсоний қадриятларга тегишли бўлиб, кўпгина тилларда ўхшаш ва фарқли хусусиятларига эгадир. Китобда икадифи (икки сўзнинг қўшилишидан ҳосил бўлган) ака, ука, опа, тоға, амаки, жиян, почча, келин, қайин, қайинота, қайинона, тўнғич, кенжа каби ўнлаб сўзларнинг келиб чиқишига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган.



серкирра соҳаларидан эканини илмий изоҳларкан, бу борада сўз очганда буюк олим Маҳмуд Кошғарий, атоқли тилшунослар Э.Севортян, Ш.Раҳматуллоев тузган луғатларни,

албатта, кўрсатиб ўтиш лозимлигини айтади. Мазкур китобда умуман тиллардаги сўзларнинг қандай ҳосил бўлгани ва туркий тилларда уларнинг ҳосил бўлишидаги ўзига ҳаёв хусусиятлар ҳақида сўз юритилган. Тилнинг ривожига ундаги баъзи ички хусусиятларнинг аҳамияти каттадир. Масалан, буйин сўзининг асоси бўй, лекин буйсунмоқ феъли бўйин ва сун (қадимги турк тилида тортомок, чўзмоқ маъносини ифодалаган) сўзларининг бирикшидан ҳосил бўлган, деб тахмин қилинади.

А.Маматовнинг нарсаларнинг номланишига доир қузатишлар асосида сўзларнинг пайдо бўлгани ҳақидаги фикрлар жуда қизиқарлидир. Таниқли туркийшунос А.Шчербак Ҳ.Вамберининг фикрига асосланиб, *сигир* сўзи этимологиясини сағ(моқ)/соғмоқ феъли билан боғлаган. Ундай бўлса, *соғин* *сигир* бирикмасида бу сўзларнинг ҳар иккиси ҳам мавжудлигини қандай изоҳлаш керак? Бу саволга жавоб бераркан, олим *сигир* сўзининг этимологиясини йағ>сағ>соғ (йай-сай>со) ўзгариши билан исботлашга уринади. Лекин бу ўринда ҳам *сигир* сўзини *сигмоқ* феъли билан боғлаш асосиз эканини айтади.

Сув сўзининг товуш таркиби ундош+унли+ундош шаклида бўлиб, охири ундош баъзан тўшиб қолади. Заҳириддин Бобур бу сўзни «суй» шаклида кўллаган («Кўҳак суйи»). Бундай ҳолат ностратик тиллардаги сўзларнинг шакли ва маънолари ўхшаш бўлишини эслатади.

Китоб муаллифининг ундош+унли шаклидаги ўзақ сўзларнинг тақрорланиши ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Қадимий туркий тилда ундош+унли шаклидаги бир бўйинли сўзларнинг иккиланиши, яъни тақрорланиши сўз яшаш усулларида бўлган ва бу усул кўпгина тилларда мавжуд. Фақат бугина эмас. Инсон ўз нутқини тежайди, талаффузда товуш ва бўғинларни ташириб қолдиради. Талаффузда энг осон ифодаланувчи бўғин «ундош+унли»дан ташкил топган ва у жаҳон тилларининг барчасида бор. Ҳодисани тили чика бошланганда, у осон талаффуз қила олувчи товуш—м. Унга -а товушини қўшса ма, улар тақрорлана ма+ма бўлади. Дарвоқе, буюк тилшунос Р.Яқобсон бир

мақоласини «Why "mama" not "papa", деб номлаган эди. Бу билан у тилнинг ривожланиши ва гўдакнинг тили чиқиши ўртасида ўхшашликлар борлигига ишора қилган.

Китобда сўзламок — сўйламок, сўроқ — сўрамок феълларининг ўзаро синонимлар шаклида кўлланиши



ҳамда совчи сўзидаги sab>sav ҳодисаси хабар, дарак маъносини ифодалаши айтилган. От билан феълнинг муносабати ҳақида гапирганда, феълнинг отлашуви эътибордан соқли қилиш, тушириб қолдириш мумкин эмас. Отлашувда феълнинг турли шакллари учрайди: олдинки берди ҳам бор; Худойберди, Каримберди; Тўхтасин, Қўлайсин, Турсун; Сотволди, Топволди, босволди; олибсотар; искабтопар ва ҳоказо.

«Орик, озгин сўзлари ўзаро синоним бўлиб, бу икки вариантнинг юз бериши туркий тилларнинг «р» ва «з» гуруҳларга ажралиш даври билан боғлиқ бўлиши мумкин», деб ёзади олим. Ўзбек тилида арт ва арч сўзларининг ўзаги ар, ари, эри шакллари билан боғлиқ. Профессор А.Ғуломов мазкур сўзларни «бир маъносини турли отенкалари», деб таърифлаган эди. Қийёсанг: тухумни арчиш, олманни артиш.

Профессор А.Маматов китобда ундош+унли ва кўпроқ ундош+унли+ундош ўзақли сўзларга тўхталади. Эр, юр, юрт сўзларининг ўзаро муносабатида ҳам баъзи фарқлар мавжудлиги айтилади. Эр сўзининг емоқ феълига муносабати борми, деган саволга жавоб бераркан, «ер» сўзи емоқ феълининг ҳозирги — келаси замон сифатдошининг отлашувидан ҳосил бўлган деб ўйлаймиз», деб ёзади у. Шунингдек, китобда тўлмоқ-тўймоқ, тўсин-тўғон, туг-туқ, қала-қада, қазимок-қазмок каби ўнлаб сўзларнинг маънолари яқинлиги айтилади. Ҳақиқатда ҳам, ўзбек тили бундай сўзларга жуда бую бўлиб, уларни ўз ўрнида кўллашни талаб этади. Китобга Андижон топонимини ҳақида мулоҳазалар ҳам илова қилинган. Унга кўра, бу сўз икки қисмдан, икки сўздан иборат: анди/анду — ўзбеклар — андилар ва —жон/гон — жам, бари, барча, ҳамма. Бинобарин, Андижон — ўзбекларнинг жами, йилгани, демакдир. Бироқ Андижон сўзининг этимологияси ҳақида бошқа фикрлар ҳам мавжуд.

Ўзбек тилидаги кўпгина сўзларнинг этимологиясини ўрганишга бағишланган профессор А.Маматовнинг бу икки китоби маълумотларга бойлиги билан эътиборга моликдир. Ундаги кенг ва чуқур таҳлил натижаларидан этимологик луғатларда фойдаланиши мумкин.

Абдузўҳур АБДУАЗИЗОВ,
ЎЗМУ профессори

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Болалар ёзги дам олиш оромгоҳларини мавсумга шай ҳолатга келтиришда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Тошкент вилоят Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг тизимлари амалга оширилгани лозим бўлган барча чораларни назорат қилиш.

Бошқармани мавсумга тайёрлик кўриш жараёни ва уни кўнгилли ўтказиш билан боғлиқ тақвир ва амалий тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, режа бўйича барча ишлари назорат қилинган. Вилоятда 44 та стационар (шундан Бўстонлик туманида 34 та, Паркент туманида 4 та, Ангрэн ва шаҳрида 2 та, Бекобод шаҳрида, Охангарон, Пскент, Урта Чирчик туманларида биттадан болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари мавжуд. Бундан ташқари, ёзги мавсумда шахар ва туманлардаги мактаблар қошида 114 та кундузги оромгоҳ ташкил

қилинади ва уларда 12580 нафар бола хордиқ чиқаради.

Оромгоҳларнинг ташқи ва ички ёнғинга қарши сув таъминоти, биноларнинг том қисмидаги ёғоч қурилмалар, биноларнинг чикши жойлари, ёнғин ҳақида автоматик оғохлантурувчи мосламалар, электр симларининг созлиги ва ёнғин учирлиш воситалари билан таъминлангани назоратдан ўтказилди.

Шунингдек, оромгоҳларнинг масъул ходим, ишчи ва хизматчилари билан ёнғин хавфсизлиги қирдалари бўйича суҳбат ва йуриқномалар ташкил этилиб, муайян камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва назоратга олинди.

Мақсадимиз фарзандларимизнинг ёзги таътили мазмунли ўтишини таъминлашдан иборат.

Тоҳир ОРИПОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси бошлиғи

Таабир

Ўзбекистон Миллий университети доцентлари, шоирлар Абдулла Шер ва Муҳаммадали Қўшмо-

ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТ

ков, Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Ирисмат Абдуҳолиқов ва бошқа ижодкорлар шахс тарбиясида экологик онг ва маданиятнинг ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Тадбирда сўзга чиққан «ЭКОСАН» бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев Олий ва ўрта махсус таълим ҳақида Халқ таълими вазирлиқлари,

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экологик таълими ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малякасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари концепциясига тўхталиб ўтди. Эколог олимлар ва мутахассислар иштирокида коллежлар ҳамда лицейлар учун «Экология» фанидан ўқув қўлланмаси, умумтаълим мактаблари учун экология бўйича дарслик тайёрлангани таъкидланди. Атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги самарали фаолияти учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси аъзоси Мирқарим Мирсовурова «ЭКОСАН»нинг махсус дипломи топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Бутунги кунда баъдий таржима адабий жараёнини етакчи йўналишларидан бирига айтади. Нашриётлар томонидан, журналлар ва газеталарда янги босилаётган таржима асарлар барчага — таржимонларга ҳам, нашриётлар ва вақт нашрлар муҳаррирларига ҳам бирдек масъулият юқайди. Зотан, хом-хатала ўтирилган асарлар, уларнинг нашрига юзак қараган муҳаррирлар ўқувчилар дидининг, савиясининг тушиб кетишига сабаб бўлади. Муҳр таржимонлар ижоди намуналари эса, мияллий маданиятга муносиб улуш бўлиб қўшилади. Бу аён ҳақиқат хоржий тиллардан она тилимизга ва, айни пайтда, ўзбек адабиёти намуналарининг чет тилларга таржимасига ҳам бирдек тааллуқдир.

Муайян асар таржимаси машаққатли ижодий меҳнатни талаб этади. Бу ижодий жараёнда таржима асар ўқувчи қўлига қандай савияда етиб бориши нашр масъул муҳаррирининг билими, истеъдоди, синчковлигига боғлиқ. Мухбиримиз Аҳмад ОТАБОЕВнинг таниқдан адабиётшунос олим Ваҳоб РАҲМОНОВ билан суҳбати айни шу — масъул муҳаррирлик масъулияти ҳақида.

— Ваҳоб ака, мана, қирк йилдан буён ўзбек мумтоз адабиётини, жумладан, «Бобурнома»ни ўқиб-ўрганиб келасиз. Маълумки, бу нодир асарни Михаил Александрович Салье асл туркий — Ҳайдаробод нусхасидан рус тилига таржима қилган. Таниқли олма Сабоҳат Азимжонованинг масъул муҳаррирлигида уч марта нашр этилган. Сўзбошларда масъул муҳаррир таржима матнидаги нуқсонларни бирма-бир кўрсатган. Мана шу таржиманинг 2008 йилдаги қайта нашри Сизнинг масъул муҳаррирлигинида чоп этилди. Бунга қандай эҳтиёж бор эди? Оқддий китобхон Сизнинг тахриригинидаги «Бобурнома»нинг русча нашрини олдинги нашри ёки аслият билан солиштириб ўтирмоқчи. Шу боис бу нашрлардаги фарқи сезиши даргумон ва унда: «Ваҳоб Раҳмонов қандай қилиб ушбу нашрга масъул муҳаррир бўлиб олди?», деган савол туғилиши мумкин.

— «Бобурнома»нинг русча таржимаси, соф таржимашунослик нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлса, Михаил Сальеннинг асар услуби тилқил олган учун ҳам жуда яхши таржима ҳисобланади. Михаил Салье, дарҳақиқат, кучли таржимон эди. У араб тилидан «Минг бир кеча»нинг бир неча жилдини, эски ўзбек тилидан «Бобурнома»ни таржима қилган. Бобур номидаги жамоат фонднинг раиси Зокиржон Машрабовнинг: «Рус тилидаги «Бобурнома»ни жаҳон олимлари ўқий-

дилар. Шунинг учун адибнинг 525 йиллик тантаналарига «Бобурнома»ни рус тилида ҳам чиқарсак», деган

МУҲАРРИР МАСЪУЛИЯТИ

таклифига биноан мен салкам бир йил мобайнида асарнинг русча таржимасини аслият билан қиёслаб, фарқларини бақадри ҳол тузатишга ҳаракат қилдим ва Селье таржимасидаги китобни «Шарҳ» нашриётига топширдим. Тахририят тахрирларимни инобатга олиб, мени масъул муҳаррирликка тақлиф этди.

— Салье таржимасида тузатилиши зарур бўлган хатолар қўпмикин?

— Оқддий, матн аслиятдан хабардор бўлмаган киши бу хатоларни пайкамаслиги мумкин. Таржимон хато қилган, деб ўйламайди ўқувчи. Таржимани аслият билан синчиқлаб қиёслаганда эса йўл қўйилган жиддий нуқсонлар кўриниб қолади. Мана, «Бобурнома»нинг 1993 йилги русча нашрида сутка неча минут деб кўрсатилганига эътибор қилайлик: «...в сутках получается четыреста сорок минут» (288-бет).

Энди аслиятга қарайлик: «...бир кеча ва кундуз минг түрт юз қирқ дақиқа бўлғай» («Бобурнома», «Шарҳ» нашриёти, 2002, 207-бет). Аслият билан русча таржима орасидаги бир кеча-кундуз фарқи минг минутни ташқил этмоқда.

Мана, яна бир мисол. Аслиятда

ўқийми: «Адолати бу мартабада эдики, Хитой қарвони келадурганча Анджоннинг шарқий тарафидида тоғларнинг тубида минг ўйлуқ қарвонни андоқ қор бостиким, икки киши кутулди» (37-бет).

Энди шу парчага 1993 йилги русча таржима нашридан ўқийлик: «Справедливость его достигала высокой степени. Однажды когда из Китая шел караван то у подошвы гор к востоку от Анджиджана караван из тысячи людей так засыпало снегом, что спаслись только два человека» (34-бет). Бу ўринда диққатимизни «ўйлуқ» сўзига қаратайлик.

Энди 2008 йилги менинг тахриримдаги «Бобурнома» русча нашри матнини ўқийлик: «Справедливость его достигала высокой степени. Однажды, когда из Китая шел караван, гнавший тысячу голов крупного рогатого скота, то у подошвы гор к востоку от Ан-

рожаат этайлик: «Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдан сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб, молларини солим топшурди» («Бобурнома», «Фан», 1960, 64-бет). Ушбу парча 1993 йилги русча таржимада шундай берилган: «Хотя наследников налицо не было. Омар Шейх мирза берегет товара не смотря на то, что сам нуждался. Год или два спустя он вызвал наследников из Самарқанда и Хорасана и вычлил им их товары в целости» (34-бет). Савол туғилади: Фаргона вилояти ҳокими шу қорамолларга муҳтожми?

— Бобур ёзпти-ку «бовужуди эҳтиёж» деб, бўлса бордир-да! — Келинг, «Бобурнома»нинг «Шарҳ» нашриётида 2002 йили чоп этилган нашридан айнан шу гапни ўқийлик: «Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб...» (37-

бет). Қаранг, муҳаррир ёки мусахҳин эътиборсизлиги боис, кўлзмадаги «т» ўрнига «ж» ёзилиб кетгани учун Умаршайх Мирзодай ҳоким савдогарлар молига зор киши бўлиб чиққан. Шунга кўра асарнинг 2008 йилги русча нашри тахририда матн қуйидаги ҳолатга келтирилди: «Хотя наследников налицо не было. Омар-шейх мирза берегет товары. Год или два спустя он вызвал наследников из Самарқанда и Хорасана и вручил им их товары в целости» (15-бет). Демак, бу нашрда 1993 йилги нашрдаги «не смотря на то что сам нуждался», деган ёлгон гап йўқ.

— Ваҳоб ака, мулоҳазаларингиздан аён бўляптики, мумтоз адабиётимиз намуналари таржимасига масъул муҳаррирликни зиммасига олган киши матншунос ҳам бўлмоғи керак экан... Таржимон Михаил Салье гарчи таржимани «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод нусхасидан ўнгирганини айтган бўлса-да, асарнинг 1960 йилги нашрига ҳам мувожаат этиб, хато қилган экан-да. Таржимада Сиз юқорида келтиргандай жиддий нуқсонлар кўпми?

— Ҳа, кўп. Назаримда таржимонга

асарнинг ўзбекча нашр нусхасига қарамагани панд берган. Бир мисол. Маълумки, Бобур иккинчи марта Самарқандни саҳарда эгаллаб олган. «Им в руки ояты достался город, и каждый искал сокровищ в каком-нибудь углу» (102-бет).

Таржима — юксак санъат

«Бобурнома»нинг 1960 йилги нашрида ўқийми: «Янги шаҳр иликка тушубтур. Хар ким кунжовлиққа бир гўшада машғул».

Гап шундаки, эски ёзувда «кунж» ва «ганж» сўзлари шаклдош. Салье «кунж»ни «ганж» деб ўқиб аниқлашган. Бу гапни яхшироқ тушуниш учун асар тадбирига мувожаат этайми: «Эндигина шаҳар қўлга олинди. Хар ким бир гўшада кизиксиниб сўраб-суриштириш билан машғул». Форсийда «кунжови» — кизиксиниб сўраб туриши, «ганжови» ҳазина излашни аниқлатади. «Бобурнома»нинг 2008 йилги русча нашрида юқоридаги гап қуйидагича тахрирда берилди: «Нам только что в руки ояты достался город, каждый с любовьюством спрашивал о случившемся» (56-бет).

— Сальеннинг таржимасида Бобур фикрининг тескари чиққан жойлар ҳам борми?

— Бор. Аслиятда: «Сизга ҳам маслаҳат эмаским, қотилгайсиз» («Бобурнома», 1960, 326-бет). Русча 1993 йилги таржимада: «Вам тоже следует с ним соединяться» (259-бет). 2008 йилги русча таржимада: «Вам тоже не следует с ним соединяться» (152-бет).

Мен ўттиз йилдан буён ўйлаб китобларни тахрир қилган бўлсам, масъул муҳаррирларнинг учта нуқсонини кузатдим. Биринчиси, масъул муҳаррир нашрга тайёрловчи ишониб, кўлзма-ни ўқиб чикмайди. Нашриёт муҳаррир матни ўқимаган масъул муҳаррир ишонди. Иккинчиси, масъул муҳаррир матни юзак ўқийди, енгил назар ташлаб ўн-ўн беш нуқсонини тузатган бўлади, ҳолос. Учинчиси, ўзи мутахассис бўлмаган соҳа адабиётига масъул муҳаррирлик қилади.

— Сизнинг жиддий тахрирингиздан кейин «Бобурнома»нинг рус тилидаги 2008 йилги нашрини хар хижатдан пишиқ-пухта, десак бўладими? Мабодо, орадан ўтган вақт мобайнида ўзингиз тахрир

этган китобдан ҳам камчилик топдингизми?

— Бўлмасам-чи! Сиз айтганган русча «Бобурнома»ни арақлагганимда ўзимдан ҳам ўтиб кетган, сезамган нуқсонларимни кўриб, ҳижолат чекманман. Бу нуқсонларнинг бир қисми муаммоли — кўпчилик маслаҳати, муҳокамасига қўйиладиган ҳолатда. Масалан: Хожаги Хожа — рус тилида Ходжака ходжа ҳолида кетганки, буну ўзбек киши ҳолида «Хожиак хожи» бўлса керак, деган хато тасаввурга боради.

Тузатилиши шарт бўлган хатолардан яна бирини кейинчалик сездим. Бу жиддий хато! Мен буну ўтган йил Козогистон ва Россия бўйлаб қилган сафаримиз чоғида сезиб қолдим. Жезқазғандан юз километрча шимолда жойлашган Улуг тоққа этганимизда буюк Сохиқбироннинг 1391 йили бу ердан ўтаётиб тош битик ёздирганларини аслаган эдик. Кўнглимдан: «Ие, Улугтоғ бу ерда-ку? Урта тепа Даҳқатиде нега Улугтоғ номи бор эди русча таржимада?», деган фикр кечди. Сафардан қайтиб, ўзим тахрир этган китобга бордим: «Дижкет — явление у подножья гор Ура-Тепе, оно находится под Улуг Тагом», деб ёзилган. Кўрпаясизки, мен «баланд тоғ» тушунчасини ифодоламай, атоқли отни хато тасдиқлаганман. Агар тахрир давомида юзлаб жиддий тузатишлар қилган бўлсам, энди тақорор қўлида ўнга яқин тузатилиши зарур хатоларга дуч келдим. Юқорида шулардан иккитасини айтдим, ҳолос.

— Агар ушбу нашрга сўнгсўз ёзиб, буларнинг ҳаммасини қайд этганингизда, китобхонлар «Бобурнома» нашрларидаги фарқларни билиб оларди. Қолаверса, бу таржимашуносликдан бир амалий сабоқ ҳам бўларди...

— Бу гапнинг жуда асосли. Мен икки сабабга кўра бундай қиламдим: биринчиси, масъул муҳаррир сифатида бурчимни баҳардим, ҳолос. Иккинчиси, ўша тахрирларни бирма-бир айтсам худди мендан заҳматкаш таржимон Михаил Салье руҳлари азият чекадигандай туюлди. Мен бу тахрирларни улуг таржимон хизмати шарафига бағишладим. Чунки ўша русча таржима ўз даврида хитой, қозок ва бошқа ўнга яқин тиллар таржимонларига аслият вазифини ўтаган эди...

лиги боис, афсуски, қўлга киритаолмадик. Бироқ ҳурмати дўстим, устоз Муҳаммадзода Сидиқ жаноблари ўта лутф ила, илтимосимга кўра, лотин ёзувида босилган Боку нашри фотонусхасини менга юбордилар. Мен у кишига чукр миннатдорлик билдираман. Низомийнинг туркий девони ҳақидаги барча маълумотларни ана шу Боку нашридан фойдаланиб берайми.

Бокуда чоп этилган Низомий Ганжавийга мансуб ушбу туркий девоннинг мундарижаси: **Кириш сўзи** (3 — 4-бетлар). Бунда турли манбалар асосида Низомийнинг туғилган ва вафот саналари, оти, лақаби ва аҳдодлари, яшаган ери, оиласи ва асарлари ҳақида маълумот берилган.

Девони Низомий ҳақида мулоҳазалар (5 — 7-бетлар). Бу бўлимда Саид Нафисий фикрича, Низомийнинг барча шеърлари 20000 байтлик девони (форсчаси, албатта — **Ҳ.Э.**) борлиги аслаган. Али афандининг маълумоти келтирилиб, девон нусхасидан бир бет ўрناق босилган ва Низомийнинг туркий девони борлиги таъкидланган. Қолаверса, Низомий девони билан тўпلامдан ўрин олган олтинта асарнинг номи ҳам зикр этилган.

Муҳтаммил(нашрга тайёрловчи) Низомийга мансуб ушбу девонни текшириб, ундаги шеърлар «Низомий» таҳаллусли икки шоирга тегишли эканини аниқлайди: бири ҳақим Низомий Ганжавий; иккинчиси — Низомий Чалабий Қарамонли.

Унга кўра, тўпلامдаги Низомий девони алифбо асосида тартиб қилинган. Биринчи бўлимдаги шеърлар ўзининг тили, услуби, айри-айри унсурлари, қасидалардаги мамдуҳларнинг оти ҳамда Низомий «Хамса»сидан топилган айрим муштарак ўрнақларга кўра бу шеърлар Низомий Ганжавийники эканлигини субут қилади. Аммо девоннинг иккинчи ва учинчи бўлимларидаги шеърлар ҳамин Низомий Ганжавийдан икки аср кейин яшаб ўтган Низомий Қарамонлига тегишлидир. Чунки: биринчидан, бўлимлардаги айрим шеърлар баъзи таъкирларда Низомий Қарамонли отига қайд этилган; иккинчидан, бу шеърлар ҳамин Низомий Ганжавийнинг шеъри ва туйгулари дунёсидан фарқлидир.

Девони Низомийда тил нормалари (8 — 10-бетлар). Бу бўлимда Низомий девонининг тили «Дада Курқут» асаридан кейин ўртага келган бир тил маҳсули деган фикр билдирилган ва бир талай эски туркча сўзлар ўрناق сифатида девондан олиб қўрсатилган.

Низомийнинг туркча ва форсча ўхшари, таркиблари (11 — 12-бетлар). Бу бўлимда Низомийнинг «Хамса» ва туркча шеърларида ишлатилган бир хил таркиблар ва ўхшатишлар ўрناق сифатида кўрсатилиб, бу билан «Хамса» ва туркий шеърларнинг шоири бир киши, яъни Низомий Ганжавий эканлиги таъкидланади.

Туркча девонда Низомийнинг мамдуҳлари (13—16-бетлар). Бу бўлимда Низомий

ўзининг туркча қасида ва ғазалларида мадҳ этилган олти мамдуҳ танитилган. Табиийки, буларнинг барчаси Низомий Ганжавий билан замондош бўлиб, Низомий Қарамонли замонида бу ҳукмдорлар яшамаган. Мамдуҳлар отларининг ҳар бири Низомийнинг туркча байтида ўрناق сифатида кўрсатилган. Мамдуҳлар оти: 1. Муҳаммадхон(Жаҳон паҳлавон); 2. Жаҳонбахш/Музаффар(Қизил Арслон); 3. Султон Жамол(иддин); 4. Санжар, Туғрул; 5. Мир Аҳмад (Амир Аҳмад) ва 6. Саид (Оттабек Саид) — Саидзатганлар.

Ҳадивия нусхасида саралама неча давом эдар (17—19-бетлар). Бу бўлимда муҳтаммил Низомий девонининг тузилишига диққат

Озарбойжон ва Ироқи аҷам юртларида ҳукмронлик қилган тўққиз ҳукмдорини танитади. Бу шоҳларнинг деярли барчаси адабсевар бўлиб, Заҳир Форёбий, Ҳоқоний Шервоний, Асир Аҳсикатий, Низомий Ганжавий, Амир Ўймодий, Қавомий Розий, Абулмуъаллий Розий, Жалолиддин Исфохоний ва Камоллиддин Исфохоний каби забардаст шоирлар уларни мадҳ этганлар.

Булардан Арслон ўғли Туғрул(ҳукмдорлик замони ҳижрий 573—590 йиллар) ўзи ҳам шоир бўлган. Шоирлар унинг мадҳи учун «ломия» қасидалар ёзганлар. «Ломия» Туғрул сўзининг сўнгги харфидан олинган ва бу харф қасиданинг қофияси бўлган. Бу хил қасидалар мўғуллар юришига қадар кенг тарқалган.

«Ломия» қасидалари орасида Низомий Ганжавийнинг қасидаси жуда шуҳрат қозонган. Бу қасида «Ҳадивия» кўлэмасида бор.

Низомий «ломия»си Амир Абулфазойил Фалокид бин Аҳмад васфидадир. Қабуллий Шервоний, Аҳлий Шерозий, Камол Исфохоний ва бошқалар ўз «ломия»ларини Низомийнинг «ломия»си таъсирида ёзганлар. Низомий Ганжавий:

Ул зулфу биногўш, суьбону дасти Мусо,
Ул холу занаҳдон, Ҳоруту чоҳи Бобил.

Камол Исфохоний:

Зулфи ту бар баногўш, суьбону дасти Мусо,
Холи ту дар занаҳдон, Ҳоруту чоҳи Бобил.

ЧАТРИ СИЁХ

Хусрави мулки мурувват, довари олампаҳо,
Офтоби авжи давлат, сояий лутфи илоҳ.

Қалаъи жаҳонда камтар посбони кайвондир,
Хони иқболинда камтар курс, курси меҳру моҳ.

Нисбат этмиш саҳв ила лутфун насимани узун,
Ул гуноҳ учун қилар қабл саҳаргоҳ ҳаргун оҳ.

Хинги гардунгард ила сайёраваш сайр айласин,
Давлату бахту шараф улор унунжа пайки роҳ.

Ўлмади ташвиши Фиръави ҳаводисдан эмин,
Ҳар кимақим фарри унин ўлмади пушту паноҳ.

Шахриёро, қонди лутфун қандина чун хосу ом,
Нуло биз куллоро ҳам лутф айларсан гоҳ-гоҳ.

Нечаким фаррош чопин шеваи лайлу наҳор,
Га душюя фарши анбар, га туто чатри сиёҳ.

Давлату иқболу иззу мавкиб ила ҳар замон,
Саҳни тахту бахти чатри хайра ўл сан подшоҳ.

Сана душман ўлонин ўлсун либоси дойимо,
Танда тасҳифи қабо, бошинда мақлуби кулоҳ.

(Низомий девони. Боку нашри, 61-бет.)

Бошланғичи биринчи саҳифада

Нашр этилган каталогда кўлэмаларнинг илм ул-адаб ул-форсий бўлимида Али афанди Ҳилмий бир тўплам ҳақида сўз юритган. Бу тўплам олти айри асардан иборат: 1. Девони Низомий; 2. Девони Хотийфий; 3. Девони Масъуд; 4. Девони Хотамий; 5. Девони Фатҳий ва 6. Бир форсча манзум рисола.

Олим тўпламдаги «Низомий девони» ҳақида шундай ёзган: «Девони Низомий таълиф ул-мавоу Низомиддин бин Муҳаммад Жамоллиддин Юсуф бин муаййид ул-Ганжавий ул-увайсий, вафот йили ҳижрий-қамарий 597... таълиқ хати ила Пираҳмад бин Искандар, ёзилиши санаси ҳижрий-қамарий 923. У турк тилидадир».

Бу билан Али афанди тўпламдаги «Низомий девони»ни буюк шоир Низомий Ганжавийнинг туркча девони деб қайд этган. Кейинлари Низомий Ганжавийнинг ушбу туркча девони ҳақида сўз юритган барча олимлар, асосан, Али афандининг ана шу қисқа эслатмаси асосида сўз юритганлар. Бироқ унинг шеърларининг ҳажми ва хусусияти ҳақида деярли маълумот бермаганлар.

Эронлик олим доктор Хусайн Файзуллоҳи Воҳид ҳижрий 1370/1991 йили Табризда нашр этган Низомийнинг форсча девони муқаддимасида шоирнинг туркий шеърлари ҳақида ҳам тўхталган, жумладан, Али афанди каталогдаги қисқа маълумотни биринчи бўлиб Эрон матбуотида нашр қилди. Кейин бошқа олимлар ҳам шоирнинг туркий шеърлари борлигини айнан Хусайн Файзуллоҳи Воҳид маълумот ва мулоҳазалари асосида айтганлар. Жумладан, эронлик олим Муҳаммад Раҳмонийфар ўзининг «Нигоҳий навин ба таърихи дерини туркҳои Эрон»(Эрон туркларининг қадим тарихига бир янги қараш) отли китобида Низомийнинг туркий шеърлари борлиги ҳақида сўзлаб, каталогдаги маълумотни ҳам нашр этди.


(Бешинчи нашр, Техрон, 1387(2008) йил, 157-бет).

Нижоят, эронлик олим Садёр Вазифа(Эл ўғлу) ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Қоҳиранинг «Ҳадивия» китобхонасидаги Низомий туркий девони кўлэмасининг фотонусхаси қўлга киритилиб, унинг ихтимоси билан ҳижрий 1381/милодий 2003 йили Техронда «Андишан нав» нашриётида биринчи қатла чоп этилди. Китобга таниқли турколог олим доктор Хусайн Муҳаммадзода Сидиқ чукр илмий муқаддима ёзган. Мазкур муқаддимада Низомий девонидаги шеърлар ва унга тегишли бошқа мавзулар ҳақида кенг маълумот берилган.

Низомийнинг туркий девони нашр бўлиши биланоқ бир қанча олимлар турли фикр-мулоҳазаларини Эрон матбуотида билдира бошладилар.

Озарбойжонлик бир олим (афсуски, менга юборилган фотонусхадга у кишининг оти йўқ) ушбу девонни Садёр Вазифининг нашри ҳамда хоним доктор Фаҳртож Фаҳриййи дизи орқали қўлга киритган «Ҳадивия» кўлэмасининг фотонусхаси асосида милодий 2006 йили Бокудаги «Нурлар» нашриётида чоп этди.

Биз Техронда араб ёзувида босилиб чиққан Низомийнинг туркий девонини ўта ноёб-



Низомий Ганжавий «Туркий девони» Қоздара нусхасидан саҳифа.

Абду НАБИ

ЙЎЛИНГ ПОЙЛАБ ҚУШЛАР САЙРАЙДИ

ЖОНИМ ОБОДЛИФИ

Жонобод!..*
Жонингдан айланб кетай,
Номингга эсласам жоним ободдир.
Сени ким ёд этса, ёд этиб ўтай,
Пешин тавоб этай, пойидан ўпай!

Чунки сенда Онам... она тупроқдир,
Боболарим ётар мазорларингда.
Номингда номусим ёнар чироқдир,
Оху зорларим бор, оху зорингдай.

Сенда яшар яна... Тузлар хаёлин
Юрагимга битган битта тўлин ой.
Тераклар шовуллаб, юлдузлар ёниб
Соғинчлар йўлдайди ҳамон унутмай.

Бирок, бирок Ҳа-ҳув, девонаваш йўл,
Билмадим, алашиб қаён кетибдир.
Неча қор, ёмғирдан баҳорҳол ўта
Кутбиди... ва алҳол видео битибдир.

Лоақал,
Хайр ҳам демабимиз, ё Раб!
Сезмабимиз қўл сиктса ойдаи бичалар*,
Энди йўқ, энди йўқ, энди хотира
Тортинчок, шалаббо, довлар кўчалар.

Жаҳонобод десам... Жонда хўрсиниқ,
Бугун йўлларингда бизлар бегона.
Энди бу ёқларда гузоримиз йўқ,
Жоним ободлиги олис афсона.

Жонобод, Жонингдан айланб кетай,
Отингга атасам жоним ободдир.
Сени ким ёд этса жонини туттай,
"Бизни унутгани..." * қандоқ унутай?!

БАҲОР НАҲАСИ

Ай, сабожон! Ай, ҳарир шамол!
Нафасларинг бунчалар нафис?
Яна бир бор яйраб елақол,
Энтиккандай, ўша... сулув қиз?

Бир меҳрибон, Бир эрка нафас...
Билмадим, келар қадқдан!
Илк ҳамалдан бўйи сарафроз,
Ялғиз бўлиб унди қирғоқда.



Кеча,
Хирмон чолнинг... олмаси,
Оқ рўмолин бошга солибди.
Мен ҳам меҳмон, қандоқ қилай, деб,
Туяда қиш ҳам йиғлаб олибди.

Эрка саслим, мушк нафаслим!..
Кутгавериб кўзларим толди.
Қиқирлаш қизғалдоқ розлим,
Келаетир, "Наврўз"! Кеңқолди!..

Ай, сабожон! Ай, сарин саслим!
Эрка нозлим, насийм нафаслим!..

ҚУЁШНИНГ АКАСИ

(шифоҳонада ёзилган шеър)

Тонги шафақ... Субҳнинг тўлғоғи...
Туғилди бир нурли балақаш.
Ул самандар, мунаввар ботир
Ўзимизнинг Алпомиш Қуёш.

Даричадан кулиб боқди у,
Ва тилади, безавол сафар.
Уканини ҳарбага узатган
Ака янглиғ туйдим ифтихор.

Тун...
Дарди ҳавл... Афтода ҳолман,
Сабрим синар Эгам жўрттага...
Ука туғиб бер яна Осмон,
Деразадан боқсин, эртага...

НАБИРАЛАРИМ

Отасини урғинг келар,
Боласи билан юрғинг келар.
От бўлса от, ит бўлса ит
Бўлиб улиб, хўрғинг келар.

Ётиг, "ҳа-чу" бўлинг, деса,
Эмакладим, кишнадим.
Саман бўлиб чопдим кеча,
Тахтаполдан едим майса.

Машинада кум келтириб,
Уйни қайта қурай, деса.
Самалётин шарт қўндириб,
Оборайми ойга, деса.

Мен қувонмай ким қувонсин,
Қандай сийай ичимга.
Юз йил яшаб қаримасман,
Куч қўшилар кучимга.

Отасини урғинг келар,
Боласи билан юрғинг келар.
Ачовлашиб, думалашиб
Минг йил даврон сурғинг келар.

КЕЛ

Кел,
Бирга кезамиз маҳзун боғларни,
Кўтир дарахтларни сийаймиз суйиб.
Қайтиб келмасимиз ушбу чолларни
Менинг юрагимга ёзамиз ўйиб.

Сенинг юрагинга... азоб бермаймиз!..

СЕН ЙЎҒИНГДА

Бизнинг кўча соғинди сени.
Дов-дарахтлар кетди ичкики.
Кўтаролмай ҳижрон юкени,
Симёғочлар қолдилар чўкиби.

Йўлинг пойлаб қушлар сайрайди,
Тентиради сойлар телбавор.
Лойлар кечиб баҳор ойлари,
Йиғлаб ўтди сенга интизор.

Эҳ, мени қўй, Қўябер мени,
Ичкмадим дарахтлар каби.
Симёғочдай чўка билмадим,
Сайролмадим қушлар сингари.

Лойлар кечиб баҳор фаслидай,
Хун-хун йиғлаб ўта билмадим.
Мени? Мен... Эҳ, қўябер мени...
Кўчалар ҳам... соғинди сени!

* Жонобод-қишлоқ. Бича-от(шаво).
*Бизни унутгани... * Ҳазрати Бобурдан.

Зарифа ЭРАЛИЕВА

ҲАР ЮРАКДА ШУҚР ДЕГАН ҚЎШИҚ, АЛЁР

ЮРТИМ

Ҳар инсоннинг тилагида хурлик яшар,
Ҳар қуртада тишчилик деган тиловат бор.
Тинч заманга кўш нурдан гилам тўшар,
Осейишта элда ором, ҳаловат бор!

Биз бахт излаб дунёларни кезмагаймиз,
Бахт эшиги очқ турган юртимиз бор.
Қувонч таъмин, аҳир, қандай сезмагаймиз —
Ҳар юракда шуқр деган қўшиқ, алё!

Озод қушнинг парвозлари баланд бўлмай,
Дунё узра хилпирайди байрогимиз.
Ўз юртига фидоларга толе кулгай,
Шу бахт ила биз ҳаммадан бойрогимиз!

Кимдан каммиз — қадри узур, қадри тасмиз,
Келажакка мағрур қадим ташлагаймиз.
Ори борлар нобақорга чўкарми тиз —
Хур Ватанини жондек асраб яшагаймиз.

ТАВАЛЛО АЙЛАНГ

Шуқр, тангирм мени аёл яратди,
Юлдузлар ичинда ҳилол яратди.
Сўзинг тупроғидан лой қормоқ қисмат —
Мени шеър дардида кулол яратди.

Севдим, осмон қадар юксалдим бешак,
Севилдим, қай дилга парвоалар ёр.
Ахир, ишқ — худодир, худо — ишқ демак,
Бу оташ кўнглимда беҳишта йўл бор!

Делим, боғлар ҳазон ичра ҳам гўзал,
Қор босса ҳам тоғлар буюқдир, ишон.
Лек аёл гуллоса боғдан не асар,
Аёл даст турганда тоғдан не нишон?!

О, қанчалар буюк менинг гул қавми,
Юрагим шодлашиб куйламай нечун?
У бешик тебратса улғаяр Ватан,
Алла айтганида уйғонар очун!

Шунчаки тақдирмас аёл яралмоқ,
Шунчаки қарз эмас гул тутмоқ унга.
Таваллолар айтнинг, шуқр этинг ҳар чоқ
Тангри аёл зотин яратган кунга!..

МУҲАББАТ

Аё, ишқ қасрида асири жонман,
Ғам ўқиға нишон, ашқи ниҳонман,
Танбур садосида авжи фиғонман —
Шу оташ алёрни айтдингми яна,
Муҳаббат, қалбимга қайтингми яна...

Савдоси минг турфа, қасди жон макон —
Ҳаловат бир чимдим, ситам бепоён,
Кечсам армон ўртар, кечмасам — ҳижрон,
Шу оташ алёрни айтдингми яна,
Муҳаббат, қалбимга қайтингми яна...

Гоҳ кўзи яроқдай узар, сўлдирав,
Гоҳ ризов гулига бағринг тўлдирав,
Азоби жонбахшу васли ўлдирав,
Шу оташ алёрни айтдингми яна,
Муҳаббат, қалбимга қайтингми яна...

Соғинч саҳросида телбавор эдим,
Севгиси шу бўлса севмайман, девдим,
Севмайман девдим-ку, воҳ, нега севдим —
Ай-й, оташ алёрни айтдингми яна,
Муҳаббат, қалбимга қайтингми яна!..

ИҚРОР

Бағрим бут, ёнимда дўст-қадрдоним
Борим баҳам қўрар, тўлдирав йўғим.
Умримда ягона моҳитабоним,
Қуёшдек оловим, юлдуздек чўғим.

Йилт этган чироққа бўлдим парвона —
Сендек жонфидони топмадим, она!

Юрт кезсам иззатим беш кунми-ўн кун,
Сўнг тугар илтифот, эҳтиром, ҳузур.
Сингасам сизнинг бормоғим нечун,
Қайтаман... киприқда бир томчи узр...

Кўрдим, эртақлари чин эмас, рўё,
Отанинг уйича кенг эмас дунё!

Қалбим эшикларин очдим, кирдилар,
Минг алқаб меҳримни ичдилар қониб.
Қай кун илҳақ бўлдим, юзни бурдилар,
Тугашим кутдилар ўрғини, ёниб...



Ўзимни сабринг қарига отдим,
Баиладан топмасам, Раббимдан тоқдим!

Тонгда тўлғоқ тутган гунча гирлида
Булбул чарх уради нолаваш, гирён.
Яшаганим ростми элигиз дардида,
Ўзимдан ортдимми ишқ, оташ, тугён?!

Ибратдир гўзаллик қошида сархуш,
Кўксини тикона ураётган қуш!

Оҳ, десам жилмайди донишманд очун,
Ҳикмат китобини очди бирма-бир:
Шу азиз тупроқда қоршмоқ учун
Кўкдан тушиб келар ҳаттоки ёмғир...

Мадҳинга арзирми шу ғамгин баёт,
Томчининг шиддатин бер менга, ҳаёт!

ТҮРТЛИКЛАР

Эй дил,
Илм ила поклар, губорни тарқат,
Осейиш — гафлатдир, мудом бедор бўл.
Аллоҳ ёр бўлур деб кутмагил фурусат,
Йишлик қилгин-у, Аллоҳга ёр бўл!

Ўргатдилар, аввал баҳор,
сўнг киш келар, деб,
Кўкламга зор изларимга нечун
ёғди қор?!

Алдасалар ишондингми,
ай-й, бола кўнглим,
Қишдан кейин келади-ку,
аслида баҳор!!!

Бандасан, бандлага дилинг не тилар,
Бил, олам абадий хона бўлмайди.
Отанг кетса, ҳаёт оталик қилар,
Онанг кетса... ҳеч ким она бўлмайди!..

Адирилар қўршовида жойлашган... бу дўппидеккина қишлоқда тунлари ой қирлар устидан чиқиб келар ва борлиқни ёритарди. Ой нурида қишлоқ уйлари яширинмачқоқ ўйнаётган болалар сайлини эслатади. Мен эса муштдеккина бола, даврадагиларнинг баъзилари чордана қуриб, баъзи бирлари ёнбошлаганча мириқиб қилаётган суҳбатига қулоқ осаман. Бир вақтлар ниҳоясига етмай қолган ой юзида акс этган чўпон таёқли аёл ҳақидаги ҳикоянинг давомини кутаман. Дунёда муллоқ ўзгармайдиган нарсанинг ўзи бормикан, ҳамма нарса ўзгаради, чунки ҳамма нарса тугайди. Момом айтиб бергич эртақлар ҳам... Оқшом чўққанда биз муштоқ кутадиган телевизордаги "Оқшом эртақлари"нинг мултфильмлари ҳам, уларнинг сеҳри ҳам... Бирок у тугамайди. У ҳақидаги гаплар ҳам тугамайди. Отам қишлоқ марказидаги каталакдек сартарошхонасидан қайтади. Онам қўшниларнига чиқиб келади.

— Ай-ай, қакнусига ўт кетди-я, — гап бошлайди момом ой саҳнидаги кишидан кўз олмай. — Шугинанинг кўргуликлари кўп бўлмас-я.

Кампир нимадандир нолиганида, қакнусига ўт кетди-я, деган гапни кўп такрорлайди. Қизиқшим устун келиб, у ҳақида такрор-такрор сўраганимда, у индамайди, балки ҳеч нарса билмас. Отам бу аёл ҳақидаги гапларни унчалик ҳушламайди, гапни бошқа томонга буради:

— Радиодан айтишдики, ой биздан уч кунлик йўл эмиш...
— Ойга бориб бўлармишми, қандай борармиш? — онам унинг гапини қувватлайди-да сўрайди.

— Учар ракеталарда-да.
Мен ҳам катта бўлсам учувчи бўламан ва манов ой юзидаги аёлни ёнгинасидан кўраман.

Бу аёл ҳақида билганим шундай: у асли шу қишлоқлик бадавлат хонадоннинг фарзанди бўлган. Ота-онанинг эса, тўнғич фарзанд бўлгани учунми, унинг опасига, яъни катта кизларига меҳрлари бўлакча эди. Кунлар ўтиб ҳар икки қиз ҳам гўзал бўлиб вояга етишди.

Совчилар эшик тағидан аримай қолишган,

катта қизни узатишга қарор қилишади. Отанинг розилиги билан ўзларига тенг кўришган бир хонадон билан куда-андачилик риштасини боғлашга қарор қилишади. Опаси аввалига қаттиқ қаршилиқ қилишга уринса-да, алиқонсиз қолганида сукутга ўтганини ризиолликка йўйишади.

Тўй кунини келин бўлмиш аллақадқадир гоийиб бўлади отанинг гуруру лафзи си-нади. Тахликага тушса-да, аҳдидан қайтмайди. Субутсиз бўлиб қолишни ор бил-би, синглисини опасининг қайлиғига унаштиришади.

Бир кундан сўнг тўй бўлиб ўтади. Аммо сингил Сумбула ҳам опасининг йўлини тутди ва бир йигит билан қочиб кетади. Давлатманд отанинг фиғони фалакча чиқади. Ғазаб устида шу қиздан, айнан сингил

ни шумқадам билиб, уйдан ҳайдашади.

Сумбула ҳеч кими йўқ бир кампирнинг уйида яшаб юради. Бўйида борлигини сезган кекса кампир унга паноҳ беради. Азбаройи раҳми келганидан, албатта. Шу ерда унинг кўзи ёриб, ўғил қиради. Шу ерлик чўпонлардан бири жувонга раҳми келганидан бир кўзили совлиқ ҳада эатади. Кимдир закотини иллинади, кимдир уширини... ҳарҳолда она-боланин кунини ўтади.

Қишлоқ одамлари ҳам фитр рўзасини йиғиб жувонга тутқазишади. Шундан сўнг жувон қўлига таёқ олиб қўй-қўзисини боқиб

юра бошлайди, даштма-дашт кезиб юради-ган бўлади.

Унинг қўй ортидан ўғлини етаклаб юрган дамларини кўрганларнинг айтишича, жувон чиндан ҳам чиройли бўлган. Аммо бу чиройдан не наф. Жонга жабр. Буни аёл аллақачон англаб етган эди.

Одамлардан ўзи ҳақида ҳар хил уйдирма гапларни эшитаверган, жувонда улардан узокроқ юриш истаги пайдо бўлади. Бу миш-мишларнинг замирида қишлоқ аёлларининг ҳасади ётган бўлса не ажаб. Сумбуланин бир неча бор тўй-маъракалардан йиғлаганча кетиб бораётганига ғувоҳ бўлганлар ҳалиям бор. Бировга қаттиқ гапирмайдиган, биров билан иши бўлмайдиган бу жувонда кимнинг алами бўлиши мумкин?

Одатдаги тўйларнинг бирида келин томони тўйхонада уралашиб юрган бу аёлни беҳосият, шумқадам билишиб, келин-кўёвга зиён-заҳмат етишидан ҳадиксираб, тўйхонадан чиқиб кетишини талаб қилади.

Пайтдан фойдаланган уч-тўртта шу қишлоқлик оғзига кучи етмаган аёллар унинг қандайлигини кўпчилик олдига юзига солиб, изза қилишади. Улардан бири бу жувоннинг гўзаллигини кўра олмасе, яна бири эрининг ақлу-хушини ўғирлашдан хавотирда эди. Уша кун кўзлари алам ёшига лиқ тўлган Сумбула боласининг билагидан тутганча, иккиси тўйхонадан йиғлашиб, чопиб чиқиб кетишганини том устида қувлаш-мачоқ ўйнаб юрган болалар қатори мен ҳам кўрганамми элас-элас эслаймам. Жувон энди одамлардан буткул йироқда, уззукун ўрқач-ўрқач адириларда, даштларда, қўй-қўзилари ортидан юрадиган бўлади.



Бу унга ҳаловат, тинчилик ва хотиржамлик бахш эатади. Ўғли билан зерикмайди.

Ҳар кунини уч-тўрт қўй-қўзини ҳайдаб даштга чиқар, оқшом чўққанида ўғлини олиқлаб, мен яхши кўрган адирилик устидан ўтарди. Чиқиб келаётган оининг юзида турган бу аёлга кўзи тушган момом, ота-онам ҳар оқшом, албатта, у ҳақида бир гап очишади:

— Умри узок бўлсин-а, шўрликнинг, қакнусига ўт кетди-я, нима кўрди дунёга келиб...
— Шўрпешонанинг орзулари кўп эмиш.
— Уч совлиқ қўйининг кўзилаб олишини жуда-жуда истагилти.
— Ха, бечорлага қўшни қишлоқлик хотини ўлган бир тадбиркордан одам келибди, умримни боламага бағишлайман, деб кўнабди.

лар аждаҳони эслатади. Бир замонлар қўёш тўтилганида; ўтомонга сузаётган ой ва юзидаги аждаҳони, офтобимизни биздан тўсиб қўйганида одамлар ёвуз махлуқ уни еб қўяди деб ўйлаб кўрқисар, халойиқ ногорою чилдирмалар чалганича урхолар билан уни ҳуркитишга, ҳайдашга уринишаркан.

Орадан йиллар ўтди. Қишлоққа тагин йўлим тушди. Ўша қирлар, ўша ой... гўё орадан бир лаҳза ҳам вақт ўтмагандек. Қир устида эса аёл ёллаган икки чўпон бола.

Сурув-сурув қўй подаси, бойчўпон от устида — ой юзида отлик сурати.
— Чўпонлардан бири ўғлими? — сўрадим.

— Йўқ, ўғли катта шаҳарда фалон ўқишда ўқияпти!
— Йўғе, наҳотки? Хўв бир замонлар кишининг совуқ кечалари Аъзаббойнинг дош ўчоғида ухлаб тонг оттирган она-бола-я? Ўқимасдиров, даштдан бери келмасди-ку, ўқийман деб бутун қишлоқни алдаб юрганлар қанча, ўқиш осомасдир, — дейман.

— Ўқийди, ўқийди, — ҳамқишлоғим мени гапига ишонтиради.
Эй, қари дунёнинг катта-кичик болалари, ишонгиларим келади, ишонаман ҳам, бирок хом сут эмган бандамиз-да, гаийрлигим ишонтирмайди. Йиллар ўтаверди, баъзан тортқилаб, баъзан юлқиб-юлқиб ўтаверди. Қишлоққа ўтдим. Энди бу сафар соғиниб-соғиниб ўтдим.

Энди мен ҳам улғайиб қолган, ўзимга яраша савлат ва ярашарлик гапим бор эди. Шунда мен кўрган манзаралар ичида энг гўзалига яна кўзим тушди: адир устида йигит ва ўрта яшар аёл бир-бири томон шоварди.

Йигитни аёл бағрига босади.
— Ким? — сўрайман хайрон бўлиб.
— Ўғли, у катта одам бўлиб кетган, телевизордан кўрсатишди.
— Ким дейишади, исми нима?
— Ёзувчи Ёдгор Усмон.
— Мен бу кишимни "Қакнус"идан танийман.

"Қакнус"нинг мазмуни бундай эди: Дунёда шундай олиҳойтта ва абадийта дохил қуш бўлармишки, тирикликнинг ноҳақиқлари, илҳақиқларидан толганида нолакор қўшиғини бошлармиш. Унинг ғамгин куйидан, ҳазону хашақлардан бунёд бўлган инига лов этиб ўт туташар, ёнар, унга қўшилиб ўзи ҳам ёниб кетаркан. Замонлар ўтиб, яна бир замонларда, унинг ёнганидан қолган қулидан янги қакнус палапонлари дунёга келавераркан.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таниқли шоир Азим Суюн билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни кутубхона директори Асадбек Хўжаев кириш сўзи билан очди. Қозоқбой Йўлдошев, Мирпўлат Мирзо, Абдуқолиқ Абдураззоқов, Аҳдамбек Алимбеков, Янгибой Қўчқоров, Зухриддин Исомиддинов, Шуккур Қурбон ва бошқа ижодкорлар Азим Суюн шеърятининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикр билдиришди.

Республикада хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев шоир шеърлари билан айтиладиган ашуларани ижро этди. Учрашув сўнггида Азим Суюн адабиёт мухлисларининг саволларига жавоб берди. Янги шеърларини ўқиди. Кутубхона фондига янги китобларни ҳада этди.

Умида ТЕШАБОВЕВА

ЁШ РЕЖИССЁРЛАР МИНБАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларга мамлакатимизнинг катта саҳналарида спектакл кўйиш имкони берилиши муҳим воқеа. Ҳамма гап уларнинг ана шу имкониятдан қандай фойдаланишида. Ёш ижодкорларни нозик ниҳолга қиёслашлари бежиз эмас. Уларнинг қадди тик чинорларга айланиши учун тўғри "парвариш" лозим. Айниқса, театр режиссураси соҳасида бу долзарб масала. Маълумки, катта саҳнада спектакл кўйиш имконияти режиссёрларда дом ҳам бўлавермайди. "Дебют" фестивалида эса ёшлар бундай имкониятга бир марта эга бўладилар. Шу тўғрисида улар танловга катта масъулият билан ёндашишга, ўзига хос саҳна талқинларини топишга ҳаракат қилишади.

Фестивалнинг яна бир ижобий томони, тadbир шунчаки спектакллар намойиши билан чекланиб қолмайди. Ҳар бир асар намойишидан сўнг таниқли ижодкорлар ва мутахассислар иштирокида муҳокамалар ташкил қилинади. Ана шу жараёнда ёш режиссёрлар томошабинлар билан мулоқотга киришиш имконига эга бўлишади. Қисқа қилиб айтганда, фестивал давомида ёш режиссёрлар профессионал театр билан бирга ишлаб, ўзлари учун керакли сабоқларни олишади. Тadbирнинг ижодий аҳамияти ҳам шунда: ёш режиссёрлар учун бу фестивал синов майдони вазифасини ўтади.

Тўғри, фестивал қатнашчиларининг барчаси ҳам катта режиссура йўлидан кетмайди. Бу табиий ҳол. Баъзилар ўзини актёр сифатида, баъзилар эса сценарийнависликка синаб кўришади. Муҳими, улар ижоддан йироқлаб кетишмайди. Театр санъатининг машаққатли йўлини танлаб, ҳозирги кунда режиссёр сифатида фаолият олиб бораётган ёшлар талайгина. Улар орасида Ақтам Бойтўраев, Хайрулла Солиев, Хотам Охун



«Дебют-2008»

нов, Жўрабек Рўзметов каби иқтидорли режиссёрлар бор.

Албатта, ҳар қандай фестивалдан олдин саралаш жараёни бўлиб ўтади. Бу жаҳон театри тажрибасида ҳам ўз иш-ботини топган. Айтайлик, бу йилги фестивалда ўттиздан ортқ ёш режиссёр қатнашиш истагини билдирган. Улар орасида санъат институти битирувчилари билан бир қаторда, маданият коллежи ўқувчилари, театр студияларининг аъзолари ҳам бор. Тўғри, бошқа фестиваллар билан солиштирганда "Дебют"нинг ижодий талаблари анча эркин. Буни фестивалдан ўрин олган асарларнинг ранг-баранг жанрда экани ҳам кўрсатиб турибди. Фестивал давомида анъанавий йўналишдаги спектакллар билан бир қаторда абсурд каби мураккаб модерн йўналишида яратилган спектакллар ҳам намойиш этилади. Бу ҳам бир имкон. Чунки турли услубларда ўзини синаб кўрмаган режиссёр ижодий йўлини топа олмайд.

Номзодларни танлаб олиш жараёнида уларнинг профессионал театрдаги фаолиятига эътибор қаратилади. Танловда иштирок этаётган режиссёр санъ

ат институти битирувчиси бўлмаган тақдирда ҳам театрда ижод қилган бўлиши шарт. Спектаклларни саралаш масаласида эса асосий эътибор асар мавзунининг долзарблигига қаратилади. Аввало спектаклда режиссёр айтмоқчи бўлган фикр аниқ бўлиши керак.

Бу йилги фестивалда жами ўн икки режиссёрнинг спектакли намойиш этилади. Улар орасида замонавий ўзбек драматургияси намуналари билан биргаликда ака-ука Гриммлар, Нил Саймон, Уилям Гибсон сингари жаҳон адабиёти намояндлари қаламига мансуб асарлар ҳам ўрин олган. Шу ўринда мухлисларни Навоийнинг "Садди Искандарий" достони асосида яратилган "Искандар" спектакли ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, "Дебют" фестивалининг ўтказилиши — бу катта воқеа. Дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам бундай тadbирлар ўтказилавермайди. Марказий Осиё миқёсида бу тажриба фақатгина бизнинг мамлакатимизда мавжуд.

Г. ФАЙЗИЕВА

Биринчи саз қачон пайдо бўлган, — у найми, удми, ноғорамиди, — айтиш қийин. Аммо саз ва унинг садоси одам боласининг юрагига «она алласи» билан кириб келишига ишонинг келади. Акс ҳолда одамзот оҳангларга бунчалар ошқик, куй-қўшиқларга бунчалар опуғат бўлмасди. Эеро, бу нарса унинг қониди, табиатида бор.



СОҲИБИ СОЗ

Ўз хунарлари билан фахрланган, файзли кишилар бўларди.

Мана, энди орадан кўп йиллар ўтган, бир ҳақиқатни аниқлаб етгандекман. У ҳам бўлса, улар одамларнинг фақат яхши қунарида хизмат қилишларидан, «бешик тўйи»ю, «ўғил тўйи», «никоҳ тўйи»ю тантаналар, байрам тadbирлари ўзларисиз ўтмаслигидан, одамларнинг қувончига, «ширин ташвиши»га шерик эканликларидан ҳаммиша ғурурланиб юрадиган кишилар бўлишган.

Усмон ота Алимов ҳам шундай, халқ қорига яраган инсонлардан бири эди. У ҳаёт бўлганида 90 ёшга тўлган бўларди, давраларнинг тўрида, фарзанглири, шогирдларининг ардоғида ўтирарди.

Маълум бўлишича, у етимликда ўсган, тирикчилик ташвишлари жуда эрта бошига тушган. Шунга қарамай, кўрган-кечирганлари ҳаётга муҳаббатини сўндира олманган, санъатга меҳр қўйган ва охири-охири Маматқул ака деган доирачиға шогирд тушган. Ўз вақтида халқимизнинг маълум учрашган бўлсам ҳам, эътибор бермаганман. Чунки биз қора-қура болакайлар маҳалла-қўйда тўй бўлса, дарвоза олдида ноғора, карнай-сурнай, доира чалаётган созандаларга ҳавас ва ҳайрат билан қараб тургучи эдик. Кексаю-ёш созандалар одатда очик чехралли, сергайрат, камтар, серзавк, айна чоғда

Шу ўринда яна бир гап. Ўтмишда халқ ичиндан чиққан доирачиларнинг аксарияти мусиқа илмидан беҳабар бўлганлар ва ўз санъатларини асосан тўғма қобилиятлари, эслаб қўлиш ва қувваий ҳофизалари воситасида намоён этганлар. Яшириш на

Яхшилар ёди

ди. Шу-шу улар билан ҳамкорлигим бошланди. Уша даврда ғуруҳда Усмон ака доирачилик қиларди. Бунга қарангки, у кишининг маҳоратини устозлар ҳам тан олишар, фақатгина Усмон аканинг усул беришига қаноат қилишарди.

Энди Усмон аканинг санъатига келсак, у кишининг усуллари бир текисда, худди соатдек аниқ, раван чиқарди. Шу билан бирга, у маҳоратидан мағрурланмас, доимо содда, хокисор бўлиб, ўз ўрнида чапаниликни ҳам жойига қўярди. Нимаям дердим, устозлар билан уч йилга яқин бирга бўлган бўлсам, шу даврда улардан кўп нарса — аввало, одамгарчиликни, оқибатни, катталарга, санъатга ҳурматни ўргандим. Дуоларини олиб, кам бўлмадим.

Замондошларининг хотирлашларича, Усмон ота умрининг охиригача қушларга, уларнинг овозига ошувта экан, унинг хонадонидан ҳаммиша сазва, канарейка ва беда-наларнинг сайраши эшитилиб турар, кўчадан ўтган-кетганлар бир лаҳза тўхтаб қўлишаркан. Балки, қушлар сайрашининг турфа оҳанглари унга илҳом бахш этгандир, нафосатга муҳаббат уйғотгандир, деб ўйлаб қоламан.

Не ажабки, ана шу анъана хозир ҳам давом этапти. Неаваралари Баҳодир ва Жаҳонгир қафасларда қушлар боқишади.

Бугун Усмон отанинг санъатини фарзандлари Ўткир, Комил, неаваралари Равшан, Аббос, Абдуқаюм давом эттиришапти. Бири доирада, бири карнай, бири ноғорада. Усмон отанинг салкам «70 ёш»ли ихчамгина доираси бугун кенжа ўғли Акмалнинг қўлирида садо берапти.

Эркин УСМОНОВ

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА


Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида пастель техникасида ижод қилган юртимиз расомлари асарларидан иборат "Pastello II" кўргазмаси очилди. Пастель лотин тилидаги "pasta" сўзидан келиб чиққан. У бўр ва пигмент аралашмасидан ҳосил бўлган ҳамир маъносини билдиради. Пастель кўпга жиллоларга эга бўлиб, ювилиб кетган рангли доғларни эслатади.

Бундай чизиш тури биринчи марта Леонардо да Винчи томонидан, XVI асрда эса Италиянинг бошқа расомла-

ри томонидан ҳам қўлланган. XVIII асрнинг бошларида пастель мустақил техникага айланиб, Францияда шухрат қозонди.

Пойтахтимизда ўтаётган кўргазмада Сергей Чуфарков, Ақром Бахромоов, Гулзор Султонова, Радик Азизов, Наталя Осипова, Рустам Зиёдуллаев, Мўйсар Эгамова ва бошқа пастель усталарининг турли мавзу ва жанрларда яратилган асарлари намойиш этилмоқда.

СОДИҚ АБДУЛЛАЕВ



А. ПОНОВ олган сурат.

Назира Қўзиева таниқли кулол-расом. Унинг бу содани танлашида моҳир гиламдўз бўлган бувисининг таъсири катта. Оилавий муҳит, қадим Бухоронинг гўзал меъморий безакларга бой ноёб ёдгорликлари ёш Назиранинг қалбида ижодга иштиёқ уйғотган бўлса ажабмас.



дир. "Менинг ҳаётим", "Эрак ва аёл", "Бухоролик қиз", "Иккиюзламачи" каби ишларида оилавий

Расом ва замон


мураккаб муносабатлар, аёл ва эрак ўртасидаги ҳис-туйғуларнинг нозик товланишлари, яқинларини йўқотган одамнинг аҳволи турли шакл ва қиёфаларда, ранглар уйғунлигида акс эттирилади.

Н.Қўзиева инсталляция жанрида ҳам самарали ижод қилмоқда. 2005 йили Мўғулистонда ўтган халқаро хайри санъат фестивалида бу боррадаги маҳоратини оширишга муваффақ бўлди. Унинг вазифаси фестивални бадиий безаш-да қатнашиб, Ўзбекистоннинг замонавий расомлари ижоди билан иштирокчилар ва мухлисларни таништириш эди. Фестивалда кенг ҳажмдаги икки та композиция яратди. Улардан бири "Бағишлов" деб номланиб, бу инсталляция мусиқага муҳаббат, ижодкор шахслар қалбида мудом ёниб тургучи олов, атроф-муҳитнинг гўзаллиги, абадий ҳақида. Иккинчи композицияда чўл эпосига ўхшаб кетувчи анъанавий мўғул қўшигининг асосий оҳангини ифодаловчи образ яратишга муваффақ бўлган. Бунда у табиий материаллар — оқ ва қизил рангли тошлардан фойдаланган. Тошларни

да. Яратган барча образларида романтик кўтаринчилик кўзга ташланади. Унинг композициялари ифода эркинлиги, мавзуларнинг шоироналиги билан ажралиб туради. Ҳар бир асарининг номи сўз билан ифодаланган образлардир. Расом-куллолнинг ишларини анъаналар ва замонавийликнинг ўзига хос уйғунлиги ифодаси дейиш мумкин. Унинг учун фақат шакл муҳим эмас. Н.Қўзиева ўз ишларида тасвирга ҳам алоҳида эътибор беради. Сопол шаклларда рангтасвир ва графикани кўллашни севади ва бу ишни

ОДДИЙ ТУПРОҚ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ниҳоятда нозик бажаради. У Марказий ва Ўрта Осиёнинг қадимий меъморий анъаналари, қадим афсона ва асотирларга мурожаат қилган ҳолда ўзига хос бетакрор шакллар яратди. Бир неча шаклдан иборат бутун бир туркумини ташкил этувчи мазкур асарларни томоша қилган одам юлдуз тўла осмонни, сирли коинотни, ичида олов



ёниб турган уйлари кўргандек бўлади. Баъзи ишлари Далаб-зиптепадан топилган қадимий хайкалларни эслатади.

"Санъат инсон ҳаётини чароғон қилади, — дейди Назирахон. — Чунки санъат билан шугулланган одам яхшиликка, эзгуликка мойил бўлади ва ўзини бахтли ҳис қилиб яшайди. Асарлари одамларда ижодий жараёнга қизиқиш, уни тушунишга, ҳис этишга интилишни уйғотгани учун ҳам ижодкорга завқ-шавқ, яхши кайфият бағишлайди".

Расомнинг сополдан фойдаланиб яратган жониворлар олами истеъдодининг янги қирраларини намоён этди. Айниқса, қанотлари кенг кўтарилган қапалак, балиқнинг ўзи билан барор билан ишланган шакли бетакрор услуби билан ажралиб туради. Бир қатор ишлари табиат ва уни ўраб турган борлиқ билан боғлиқ. "Йўллар", "Келишув нуктаси", "Имзо", "Тўлқин изи", "Икар" асарлари шулар жумласидан

шундай қўйлаштирилган! Уларнинг "хилма-хиллиги" кўриб, оддий тош эканига ишонингиз келмайди.

Назира Қўзиеванинг асарларини фақат юртимизда эмас, Япония, Франция, Швейцария, Англия, Миср, Индонезия каби давлатларда ҳам яхши билалдилар. У Францианнинг Розье-сюр-Луар шаҳри медали билан, "Йилнинг энг яхши сопол расоми" номинацияси ва Бадиий академия дипломлари билан тақдирланган.

Бугунги кунда Бадиий ижодкорлар уюмчаси амалий санъат секцияси раҳбари сифатида ҳам Назирахон самарали фаолият олиб бормоқда. Ҳозир бу ерда замонавий йўналишларда муваффақиятли изланаётган истеъдодли ёшлар йиғилган. Бу ёшлар ҳам миллий санъатимиз раванқига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиувчи кўплаб асарлар яратдилар, деб умид қиламиз.

Лариса ЛЕВТЕЕВА, санъатшунос

Иқтидорли ёшлар концерти

Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчилари ҳамда танлов ғолиблари иштирокида "Мустанжам оила йили"га бағишланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Мусиқий кеча ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилди.

Концертда профессор Шермат Ёрматов раҳбарлигидаги "Булбулча" ансамбли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дилмурод Исло-

мов ҳамда Ҳасан Азимов раҳбарлигидаги "Доирачилар дастаси", консерватория доценти Нўмонжон Шарипов бошчилигида ўқувчилар оркестри, Алишер Азимовнинг "Савти наво" созандалар ансамбли иштирок этди. Дастурда ўзбек мумтоз ва халқ куйлари, чет эл композиторлари асарлари ижро этилди. Профессор Дилором Омонуллоевнинг "Сен кетарсан" қўшигини ижро этган Даяна Шахметова томошабинлар оқшиқига сазовор бўлди. Композитор Анвар Эргашевнинг "Шарқона каприччио" асарини Руслан Мазюков маҳорат билан ижро этди.

Зебо НАБИЕВА

Ўзбекистон давлат Санъат институтининг драма режиссёрлиги бўлими талабаси Дилшоода Абдувалиева Шекспирнинг "Отелло" фарқи билан ҳамкорликда спектакл саҳналаштирди.

— Классик асарга қўл уришимдан асосий мақсад бундай асарлар ижодкорни тоблайти, — дейди ёш режиссёр. — Қолаверса, томошабинга ҳам кучли руҳий-эстетик озиқ беради. Асарга замонавий руҳ беришга ҳаракат қилдим.

Спектаклдаги асосий ролларни Лазизбег Инатуллаев, Шухрат Иброҳимов, Малика Файзиева, Акмал Абдулмуъинов, Саҳора Арслонова ижро этдилар.

Шаҳноза АБДУЛЛАЕВА

МАДАНИЙ ҲАЁТ

ташкил этилган бу тadbирда бир гуруҳ бухоролик профессионал ва ҳаваскор сураткашлар иштирок этди. Франк Уорд бухоролик сураткашлар яратган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, вилоят илмий-методик маркази қошидаги фотогалереяда ташкил этилган кўргазмани юқори баҳолади.

Бухорода "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтмоқда. Қорақўл туманида ўтказилган танловда Соҳибжон Абдуллаев "Жаннатим Ватан" (Шамсиддин Садоий шёъри, Абдулазиз Имомов мусиқаси) ҳамда Дилшод Абдуҳақимов "Ягонасан, муқаддас Ватан" (Қозоқбой Давлат шёъри, Султон Жалолов мусиқаси) қўшиги билан биринчи ўринга сазовор бўлди.

Бухоро туманидан Феруз Сайфуллаев ва Когон туманидан Шахноза Истатовна биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар танловнинг вилоят босқичида қатнашади.

М.КАРИМОВА

